УДК 81’33

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ МУРАККАБ ТУЗИЛИШЛИ БИРИКМАЛАР ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ МАСАЛАСИ

У.Я. Қўзиев

Ўзбек тилида кенг қўлланадиган тасниф ва таҳлилга муҳтож бирликлардан бири – мураккаб бирикмалардир. Бу тушунча таркибига семантик ва синтактик жиҳатдан бир бутун бўлган бир неча бирликлар киритилади, бироқ уларнинг ўртасида фарқ мавжуд. Кейинги йилларда ўзбек тилининг лексик қатламидан ташқари грамматик қурилишига ҳам таъсир қилувчи бир қанча бирликлар кириб келди. Мақола айнан мураккаб қурилишли бирикмалар, уларнинг хусусиятлари, жорий ўрганилиши ва муаммоли жиҳатлари атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: *мураккаб бирикма, фразеологик бирлик, фразеологик қўшилма, фразеологик бутунлик, фразеологик чатишма, коллокация, идиома, абрревиация.*

Одной из наиболее широко используемых единиц узбекского языка для классификации и анализа являются сложные соединения. Это понятие включает в себя несколько единиц, семантически и синтаксически целостных, но между ними есть различие. В последние годы помимо лексического пласта узбекского языка введен ряд единиц, влияющих на грамматический строй. В статье подробно освещены сложные структурные соединения, их свойства, современные исследования и проблемные аспекты.

Ключевые слова: *сложное соединение, фразеологическая целостность, фразеологическая единица, словосочетание, фразеологизм, фразеологический союз, коллокация, идиома, аббревиатура.*

2018 йилда дунё тилшунослари тилларнинг яшовчанлик қобилияти акс этган маълумотномани чоп этишди [1]. Маълумотномада дунё тиллари миллий (national), кучли (vigorous), йўқ бўлиб кетаётган (extinct), ҳаракатсиз (dormant), ўлаётган (moribunt), силжиётган (shifting) тиллар каби гуруҳларга бўлиб таснифланган ва барча тилларнинг рўйхати келтирилган. Жумладан, ўзбек термини остида жанубий ўзбек, шимолий ўзбек, ўзбекий (сомий тиллар оиласида) каби тиллар келтирилади. Шимолий ўзбек тили миллий тил сифатида, жанубий ўзбек тили кучли тил сифатида, ўзбеки тили эса силжиётган тил сифатида баҳоланган. Унда айтилишича, ҳар ҳафта дунёда битта тил ўлимга маҳкум. Тревор Энглиш (Trevor English) ўз мақоласида ўлаётган тилларнинг муҳим тўртта белгисини санаб ўтади:

1. Миллий маданият ва оламнинг миллий манзараси йўқолиши.

2. Тарихий хотиранинг йўқолиши.

3. Тилнинг табиий манбалари (шевалар, оғзаки нутқ шакллари)нинг йўқолиши.

4. Тил вакиллари ўз она тилларида гапира олмай қолиши [2].

ЮНЕСКО ўзининг тил бўйича ҳисоботларида ўлиб бораётган тиллар рўйхатини беради (мазкур рўйхатда ўзбек тили ёки унинг турли шакллари кўрсатилмаган) ва уларни қуйидагича таснифлайди:

1. Заиф тиллар (Vulnerable) – болалар оилада жуда оз мавзуда сўзлашадилар;

2. Хавф остидаги тиллар (Definitely endangered) – ёш авлод ўз она тилларини ўрганмайдилар;

3. Кучли хавф остидаги тиллар (Severely endangered) – катта авлод вакиллари сўзлашадиган, бироқ ёш авлод билан мулоқотда ишлатилмайдиган тиллар;

4. Муқаррар хавф остидаги тиллар (Critically endangered) – катта авлод вакиллари ҳам қисман ёки кам ишлатадиган тиллар.

5. Йўқолиб бораётган тиллар (Extinct) – сўзловчилари мавжуд бўлмаган тиллар [3].

Булар ўта юқори қатлам белгилари бўлиб, уларнинг ҳам майда, сезилар-сезилмас шакллари мавжуд.

Маълумки, тилларни типологик таснифлашда тилнинг энг ўзгарувчи қисми сифатида унинг луғат қатлами, кейин фонетик ва сўнгра грамматик қурилишлари ҳисобга олинади [4. Б. 48–49]. Тилнинг луғат таркиби ўзгариши табиий ҳодиса ҳисобланса, тилларнинг грамматик қурилиши таъсири кам кузатиладиган жараёнлардан биридир. XX асрда, аввало, рус тили, шунингдек, ҳозирда инглиз тилининг таъсири туфайли ўзбек тилининг грамматик сатҳида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Шу сабабли соҳа мутахассислари ҳушёрроқ ва масъулиятлироқ фаолият юритишлари талаб қилинади.

Сабаб шуки, мазкур ўзгаришлар жонли халқ тилида эмас, асосан, расмий ва илмий нутқ кўринишларида намоён бўлмоқда ва зиёли қатлам бунга ўз муносабатини билдирмаётир.

Муаммо сифатида чет тил қолиплари асосида калькаланган, таркибий қисмлари ўзбекча бўлсада, тузилиши бесўнақай ва ғализ бўлган бирликларни танлаб олдик.

Жумладан, вазирликлар номлари: *Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги* каби; агентликлар ва марказлар номлари: *Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти*

университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асослари ўқитиш ва малака ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги каби; турли бўлимлар номлари: *Қурилиш, геоинформатика ва шаҳарсозлик кадастрида инженерлик тадқиқотларини лойиҳалаштириш илмий тадқиқот институти* (УзГАШКЛИТИ − Проектный научно-исследовательский институт инженерных изысканий в строительстве, геоинформатики и градостроительного кадастра), *Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш кафедраси* сингари.

Шу каби ташкилотлар меҳнат фаолиятини камситмаган ҳолда уларнинг номларини лингвистик ва ижтимоий жиҳатдан баҳолаш, оддийроқ айтганда, қайта ишлаш зарурати мавжуд.

Сўз ясалиши борасида фикр кетганида одатда аффиксация (қўшимча қўшиш, синтетик) усули билан ясалиш ўзбек тилида энг фаол эканлиги қайд этилади. Бироқ тилимизнинг кейинги йиллардаги тараққиётида композиция усули нисбатан фаол эканлиги кўриниб бормоқда. Ўзбек тилшунослигининг замонавий амалий муаммоларидан бири сифатида сўзларнинг чет тилидан тўғридан-тўғри калькалаш орқали нафақат шартли терминлар, шунингдек, ўзбек тили табиатига мос келмайдиган грамматик қолипли бирликларни ҳам кўрсатишимиз мумкин [5. Б. 4].

Композиция усули қўллаш орқали луғат қатламида қўшма сўзлар билан биргаликда баъзан фразеологик бирликлар ҳосил бўлади. Эътибор қилишимиз керак бўлган жиҳатлар эса қуйидагилар:

1) шартли қўшма сўз ўзбек тилининг ички шароитида, жонли равишда ҳосил қилиняптими ёки хо-рижий тиллардан қолипи кўчириб олиниб, ҳосил қилиняптими?

2) шартли ҳосил қилинган бирликлар қўшма сўзнинг луғавий, синтактик, имловий меъёрларига мос келадими? Мос келмаса, қандай номланади ва ҳоказо.

Академик А.Ҳожиев “Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар” номли асарида қўшма сўзларнинг ҳосил бўлишида композиция ҳамда синтактик усулларни фарқлаш лозимлигини, синтактик усул айнан сўз бирикмалари қисмлари маъноларида ўзгариш бўлиб, бирикувидан ҳосил бўлиши қайд қилинади. Тилшунос олим сўзларнинг синтактик боғланиши қўшма сўзни эмас, сўз бирикмасини ҳосил қилишини, қўшма сўзнинг ҳосил бўлиши алоҳида лексик-семантик ва ижтимоий омилларни талаб қилишини, шу сабабли қўшма сўзларни ҳосил қилишнинг синтактик усули ўзбек тилида мавжуд эмаслигини таъкидлайди [6. Б. 8]. Бироқ кейинги йилларда нашр этилган олий таълим дарсликларида композиция ва синтактик усулда сўз ясалиши яна алоҳида ясалиш усуллари сифатида берилади [7. Б. 170]. Масалага қайтсак, А.Ҳожиев “Маълум бир жойнинг, идора ва муассасаларнинг номлари, шунингдек, бирдан ортиқ сўздан тузилган терминлар, жумладан, *Жанубий Украина, Шарқий Сибирь, Шимолий Америка, кўрак чувиш машинаси* кабилар ҳам баъзан қўшма сўзлар (қўшма отлар) қаторига киритилишини, буларни қўшма сўз дейишдан кўра турғун сўз бирикмаси деб атаган тўғрироқ” [6. Б. 22] эканлигини таъкидлайди.

Олим Н.Маматов эса қўшма сўзлар номи ва моҳиятидан келиб чиқиб, доим қўшиб ёзилиши керак деган хулосага келади [8] ҳамда 30 минг сўздан иборат қўшма сўзлар луғатини тузади [9].

Н.Пўлатов ўзбек тилига ўзлашма сўзлар ҳақида ёзар экан, ўзбек тилига кириб келган форс-тожикча сўзлар одатда қўшма сўз характерида эканлигини кўрсатадики [10. Б. 54–58], хулоса қилсак, тил лексикасининг қўшма сўз қолипидаги бирликлар билан бойиши айнан ижтимоий-тарихий омиллар билан боғлиқ эканлиги кўзга ташланади. Тилшунос З.Исомиддинов эса ўзбек тилининг бойишида таржиманинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлаб, айрим ҳолатларда қолипнинг устун келиши, *чилонжийда, маккажўхори, қора мурч* каби сохта қўшма сўзлар ҳам юзага келганини кўрсатади. Бундан келиб чиқсак, сўз ўзлаштиришда қолипнинг ўзлаштирилиши ҳодисасига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Демак, шартли қўшма сўзларнинг ажратиб ёзилиши тушунчанинг моҳияти ва ўзбек тилининг ўз табиатига зид эканлиги аён бўлади. Шу жиҳатдан мазкур сирадаги бирликларни қўшма сўз деб номлаб бўлмайди.

А.Ҳожиевнинг юқоридаги шубҳасини маъқуллаган ҳолда, юқоридаги каби бирликларни анъанавий тилшунослигимиздаги мавжуд бошқа ўхшаш бир-ликларга солиштириб чиқамиз.

“Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”да мураккаб сўз бирикмаси термини берилиб, “компонентларидан бири бирдан ортиқ сўз билан ифодаланган бирикма” дея таърифланади [11. Б. 68]. Жумладан, бунга *китоби кўп кутубхона, ўқишни янги тугатган мутахассис* кабиларни киритамиз. Мураккаб бирикма тушунчаси соф синтактик термин бўлиб, лексик бирликларнинг нутқий вазиятда грамматик ва маъновий бирикувини ифодалаб, сўзлар ўз маъносини сақлаб қолиши, маъно кўчиш ҳолатлари кам кузатилиши сингари белгиларга эгадир. Бироқ биз фикр юритаётган бирликлар сўз бирикмаси каби бир тушунчани ифодаласада, уларнинг муносабати бирмунча турғунлиги туфайли “мураккаб сўз бирикмаси” ва терминини қўллай олмаймиз.

Иккинчи мураккаб бирлик фразеологик бирлик деб аталади. Тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик – фразеологик бирлик [11. Б.124] дир. Фразеологик бирликнинг уч тури кўрсатилади: 1) фразеологик қўшилма; 2) фразеологик бутунлик; 3) фразеологик чатишма.

Бу тушунчаларни луғатда берилган таърифлари бўйича солиштириб чиқамиз:

	ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР		
Бирлик	**фразеологик қўшилма**	**фразеологик бутунлик**	**фразеологик чатишма**
Таъриф	Таркибидаги сўзларнинг лексик маъноси сақланадиган, бири иккинчисининг боғли маъносини реаллаштирувчи нутқий матн вазифасини ўтайдиган синтагма	Таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳлаш мумкин бўлган фразеологик бирликлар	Таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмай-диган, ҳатто унга зид маъно ифодалайдиган фразеологик бирликлар
Мисол	*қўл кўтармоқ, иштаҳаси очилмоқ*	*миси чиқди, хамир учидан патир*	*оёғини қўлига олмоқ*

Учинчидан, ўзбек тилида “тасвирий ифодалар” номи билан юритилувчи мураккаб бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, улар маъно жиҳатидан бир сўзга тенг келиши, қисмларидан бири албатта кўчма маънода бўлиши, от туркумига мансублиги ва услубий хосланганлиги билан изоҳланади: *оқ олтин, қанотли дўстлар, зангори экран* каби. Мазкур мавзуда илмий тадқиқот олиб борган И.Умиров парафразаларнинг сўз ясовчи қўшимчалар билан ҳосил қилиниши (пиллакор – заршунос, ёзувчи – қаламкаш), ўзга тиллардан калькалаш орқали ўзлаштирилишини ҳам истисно этмайди (*мовий гумбаз, тайга хўжайини*). Муаллиф мазкур бирликнинг лексик парафраза, фразеологик парафраза, синтактик парафраза, логик парафраза, соф ва контекстуал парафраза каби турларини ажратади. Ушбу таснифда мунозарали ўринлар кўп. Абдулла Қо-дирий – “*Ўткан кунлар” романининг муаллифи* каби мисоллар, лексик парафраза дейилганда аффиксация йўли билан ясалган сўзлар дея тушунтирилиши айрим эътирозларни келтириб чиқаради. Сабаби парафраза термини таркибидаги фраза қисми “бирикма, ибора” маъноларини билдиради, демак, унинг тузилиши мураккаб бўлиши қатъий талабдир. Мазкур мақола мавзуси учун қизиқ нуқтаси эса парафразаларнинг “нутқий ҳодиса” эканлиги ва “кўчма маънодаги сўз бирикмалари асосида” [12] вужудга келиши ҳақидаги хулосалардир. Шу жиҳатлар тасвирий ифода/парафразанинг бошқа мураккаб бирликлардан фарқлаб туради.

Тўртинчидан, хорижий адабиётлар ва хорижий тилни ўқитиш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларда ***коллокация*** термини ҳам учрамоқда. Гарчи соҳа луғатларида бу термин кузатилмаса-да, терминнинг ўз маъно мундарижаси ва реал мисоллари мавжуд.

Коллокациялар − синтактик ва семантик жиҳатдан бир бутун сўзлар бирикмасини билдириб, унинг таркибий қисмларидан бири мазмуний таянч вазифасини бажаради, иккинчи сўз эса шунинг кучли валентлиги асосида бирикади. Коллокациялар айрим ўринларда барқарор бирикмалар ёки фразеологик сўз бирикмалари, Н-граммалар номи билан юритилиши кўрсатилади [13]. Бироқ ўзбек тилшунослигида кузатиладиган ёндашувларда бу тушунчалар ва улар ифодалайдиган бирликлар моҳияти ўзаро мос келмайди. Юқоридагилардан келиб чиқилса, коллокациялар фразеологик қўшилма терминига мос келади. Тузилиши ва семантик бутунлик ифодалашига кўра коллокациялар тасвирий ифодаларга бирмунча мос келади. Ҳар иккаласида 1-унсур ўз маъносида, 2-унсур бироз кўчма маънода ишлатилади.

Коллокациялар сафига таркибли топоним, антропоним кабилар кирадики, улар турғун бирга қўлланиши билан ажралиб туради [13]: *Сулаймон тоғи, Ислом Каримов, Бибихоним мадрасаси* каби.

Коллокацияларда ўз маъносида қўлланган сўзлар очиқ қисм ёки эркин қисм дейилади: таъсир кўрсатмоқ, чуқур афсус каби. Маъносига эътибор берилмаган ҳолда ихтиёрсиз равишда хотирага сақланадиган сўз эса ёрдамчи қисм ҳисобланади. Мазкур бирликларда сўзлар танланиши жуда чекланган бўлгани учун, уларнинг услубий қўлланиши ҳам чегараланган бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, рус тилидан кўплаб фразеологик чатишмалар турли асарлар, таржималар воситасида ўзбек тилига кириб келган: *ёрдам кўрсатмоқ* (қилмоқ ўрнига), *тиштирноғигача қуролланган*.

Коллокацияларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Расмий услубга хослиги, оддий сўзлашувда кам қўлланиши.
2. Тузилишининг мураккаблиги ва қўлланиши қийинлиги.
3. Терминологик қатламда фаол қўлланиши.
4. Ном сифатида ўзи ифодалаётган тушунчани тўлиқ ифодалаш учун қўлланиши.
5. Сўз қурилишида ўзбек тили қолипларидан четга чиқиш мавжудлиги.
6. Грамматик қолипининг ўзбек тили нуқтаи назаридан тартибга солинмаганлиги.
7. Матнда асосан қисқартма сўз – аббревиатура ҳолатида учраши.
8. Ўзбек тилшунослигида уларнинг синтактик ёки луғавий хусусиятлари тўлиқ тадқиқ этилмаганлиги.

Бу бирликларнинг маданий, ижтимоий таъсири қуйидаги ҳолатларда яққол кўринмоқда:

1. **Таркибли антропоним, топонимлар номида, жумладан, давлат ташкилотлари ва мансаблари номини шакллантиришда.** *Наманган вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий маркази* – НВХТХҚТМОҲМ – малака ошириш институти (сўзлашув нутқида). Коллокацияларнинг нутқ қонуниятларига бўйсунмас тарзда мураккаблиги уларнинг рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам қисқартма сўзлар билан ифодаланишига олиб келган. Қисқартмалар эса мулоқот иштирокчисининг шу маданият ва ҳудуд вакили бўлишини, қисқартма ифодаловчи ту-шунчадан хабардор бўлишини талаб қилади. Шу жиҳатдан улар номинатив жараённинг энг охирги босқичларини намоён қилади: апеллятив ном – ономастик ном – аббревиатив ном.

Инглиз ва бошқа роман-герман тилларида нутқда фаол ишлатувчи айрим коллокациялар қисқартма сўз ҳолида ўқилиши, ёзилиши ва луғатларга киритилиши одатий ҳол бўлиб қолган. Мазкур усулда ҳосил қилинган терминлар дунёнинг барча тилларида учрамоқда. Аввало, инглиз тилидаги матнларда бу яққол кўринади: AFAIK (As far as I know − Кўпдан бери таниш), ASAP (As soon as possible – имкон бўлиши билан), ASL (Age/sex/location − Ёш, жинс, турар жой), CU (See you − Кўришгунча) [14. Б. 26] каби. Энг узун коллокация сифатида эса pneumonoultramicros-copicsilico-volcanoniosis [13] термини кўрсатилади.

2. Терминологик қатламда. Д.Кадирбекова инглиз ва ўзбек тилларидаги ахборот-коммуникация соҳасига оид терминлар таркибида ўхшашликларнинг статистик ахборотини берар экан, инглиз тилида соҳага оид мураккаб бирикмали терминлар 1238 та, ўзбек тилида 2312 талигини, қизиғи, ўзбек тилидаги АКТ терминларининг қарийб 81 фоизи қисқартма сўз шаклида эканлигини кўрсатиб беради [15. Б. 15]. Бошқа тадқиқотчи О.Аҳмедов ҳам “бундай термин-неологизм (англицизм)ларнинг айримлари ҳозирча умумистеъмолга кенг кириб бормаган бўлсада, ҳукумат қарорлари, солиқ ва божхона соҳасидаги расмий ҳужжатлар ва даврий матбуот саҳифалари орқали кенг жамоатчилик аҳлига, шунингдек, ҳар бир ўқимишли кишига маълум бўлиб” [16] бораётганлигини айтади. Бинобарин, мазкур туркумдаги ўзлашмаларда расмий услубнинг ўрни муҳимлигини қайд этади. Замонавий араб атамашунослиги фани янги атамалар ясашда ўзининг тизимига эга ва бу усул грек ва лотинча сўзлардан калькалаш йўли билан янги атамалар ҳосил қилиш билан боғлиқдир. У ёки бу соҳага тегишли сўзларни ниҳоятда аниқ бериш учун катта терминлар яратишга тўғри келади. Бундай терминларни амалда қўллашда жуда кўп қийинчиликлар туғилиши сабабли иккита сўздан тузилган терминнинг бирини тушириб қолдириш усулидан фойдаланиляпти [17]. Қисқартма сўз кўринишидаги ажралмас бирикмалар расмий нутқнинг ўзида ҳам мураккабликларни келтириб чиқаради. Жумладан, аббревиация усули дипломатик терминлар ичида энг паст кўрсаткичга эга. Чунки дипломатик ҳужжатларда аббревиатураларнинг кенг қўлланилиши таржима жараёнини қийинлаштиради [17. Б. 21]. Қисқартма усулда термин ҳосил қилиш хитой тили материаллари асосида Ш.Умарбекова томонидан ўрганилган [18]. Дарий (форс) тилида қисқартма сўзларга ўзига хос ёндашувларни Юсуф Хўжақуловнинг “Дарий матбуотида аббревиатура” мақоласида кўришимиз мумкин [11]. Дарий матбуотида, масалан, НАТО инглизча коллокацион аббревиатураси таржима қилиб ўтирилмасдан, тўғридан-тўғри талаффуз этилиши кўринади.

3. Сўзлашув нутқида. Айрим сўзларнинг қисқартма шакли оғзаки нутққа ёзма нутқ орқали таъсир қилиб, кенг қўлланишига сабаб бўлади. Жумладан, *Мен НамДУда ўқийман*. Бу ҳолат, албатта, совет даври воқелигидан мерос бўлиб қолган деб айтишимиз мумкин.

Гарчи сўзлашув нутқида коллокацион бирликлар кенг қўлланса-да, илмий-терминологик сатҳда улар матнга услубий бўёқ бериш, илмий доирани кўрсатиш учун қўллана бошлайди ва ҳажмдан ютиш учун қисқартма сўзлардан фойдаланила бошлайди. Инглиз ва хитой тили материалларидан кўриниб турибдики, коллокацияларни қисқартириш сўзлашув услубидаги матнларга ҳам кўчиши мумкин. Бу ҳолда тилнинг жонлилик хусусияти пасайиб боради, матнларни ўқиш алоҳида тайёргарликни талаб қила бошлайди. Бу ноқулайлик эса тилнинг бошқа бирликларидан, айрим ҳолларда, ўзлашма сўзлардан фойдаланиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Шу сабабли ҳам ташкилот, муассасаларга ном қўйишда номнинг қулайлиги ва ихчамлигига ҳам эътиборли бўлиш талаб қилинади.

Лингвомаданий жиҳатдан қараганда илмий терминларнинг, улар сафида қисқартмаларнинг қўлланиш доираси кенгайиши глобализация жараёни натижаларини кўрсатади [19. Б. 3]. Ёзма нутқнинг таъсири кучая борган сари оғзаки нутқ қисқартма ҳолатидаги коллокацияларни тўғридан-тўғри қабул қилиб олаверади.

Когнитологик нуқтаи назардан сўзловчи муайян дискурсдаги матнга бевосита кириб кета олмайди. Аввал шу соҳа терминологияси билан чуқурроқ танишишга тўғри келади. Замонавий концептологияда, журналистикада ҳам қисқартма сўзлардан фойдаланиш кучайган. Матнда услубий хосланиш кучаяди, аввалдан маълум бўлган нарсаларга бошқача ном бериш билан боғлиқ сирлилик ва нотанишлик терминларга қизиқишни, унинг моҳиятига кириб боришни кучайтиради: ИШИД (ISIS, DAESh), 11/11, ББВ методи. Виртуал оламда мазкур коллокациялар билан боғлиқ луғатлар ҳам ишлаб чиқилган [20].

Таржимашунослик нуқтаи назаридан коллокациялар ва уларнинг қисқартма шакллари алоҳида луғатларни ёки электрон луғатлар базасига ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Иккинчидан, шу ҳодисага муқобил асил ўзбекона тил бирликлари тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Терминологияда тўғридан-тўғри калькалаш ёки кўчириб қўйиш ҳолатларига эътиборли ва танқидий муносабатда бўлиш давр талаби бўлиб қолади. Айниқса, терминография мутахассисларининг соҳа ҳамда ўзбек тили ички қонуниятларидан етарлича хабардор бўлиши мақсадга мувофиқ. Мазкур типдаги номлар, терминларни қайта кўриб чиқиш, муқобил ном бериш ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиради, унинг яшовчанлигини оширади. Бу ислоҳотларни амалга оширишда “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ва “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг давлат тилига доир қабул қилган қарорлари бу борада дастуруламал бўлиши лозим.

Адабиётлар:

1. *Campbell M*. Glossika Language Vitality Report 2018. [Online]. URL: https://d310pm6npapqqb.cloudfront.net/free-download/Glossika%20Language%20Vitality%20Report%202018.pdf (Date of access: 14.02.2022)

2. *English T.* What Happens When a Language Dies and is Forgotten? // Interesting Engineering, 30.09.2019. [Online]. URL: https://interestingengineering.com/what-happens-when-a-language-dies-and-is-forgotten (Date of access: 01.02.2022)

3. UNESCO маълумотлар базаси. [Интернет манба]. URL: https://www.theguardian.com/news/ datablog/ 2011/apr/15/language-extinct-endangered (Мурожаат санаси: 0 8.0 3.20 22)

4. *Нурмонов А.* Танланган асарлар. 3 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 416 б.

5. *Кузиев У.Я.* About sociolects and their place in glossaries (in example Uzbek language and dictionaries) // Научные исследования: теория, методика и практика, 2017. – С. 281–286.

6. *Ҳожиев А*. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1963. – 144 б.

7. *Шоабдураҳмонов Ш.А., Асқарова М., Ҳожиев* А*., Расулов И., Дониёров Ҳ.* Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 446 б.

8. *Маматов Н*. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. − Тошкент: Фан, 1982. – 124 б.

9. *Исомиддинов З.* Қўшма сўзларни қўшмаймизми // Ҳуррият, 2021 йил 6 январь. [Интернет манба]. URL: https://uzhurriyat.uz/2021/01/06/qushma-suzlarni-qushmaymizmi (Мурожаат этилган сана: 10.04.2022)

10. *Назаров П.Ж.* Ўзбек тилига ўзлашган сўзлар хусусида // Хорижий филология, 2019. – № 4. – Б.54–58.

11. *Хўжақулов Ю.* Дарий матбуотида аббревиатура / Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам, 11. – Тошкент, 2020. – Б. 50–53.

12. *Умиров И.Э.* Ўзбек тили парафразалари: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 23 б.

13. Wikipedia. The Free Encyclopedia: [Online]. URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Longest _word _ in_ English (Мурожаат этилган сана: 14.01.2022)

14. Wikipedia. The Free Encyclopedia: [Online]. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/коллокация_ (лингвистика) (Мурожаат этилган сана: 14.01.2022)

15. *Кадирбекова Д.* Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: филол. фанл... фалсафа доктори (PhD) ...дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

16. *Аҳмедов О*. Инглиз ва ўзбек тилларидаги солиқ-божхона терминларининг синхрон тадқиқи // Илмий-методик электрон журнал, 2016. 5(13). – Б. 60–64. [Интернет манба]. URL: (www.journal.fledu.uz) (Мурожаат этилган сана: 12.12.2021)

17. *Казакбаев А*. Фан-техника тараққиёти туфайли араб тилига кириб келган энг янги атамалар / Proceedings of Ingenious Global Thoughts An International Multidisciplinary Scientific Conference. San Jose, California, November 29th, 2020. [Online]. URL: https://conferencepublication.com (Date of access: 30.03.2022)

18. *Умарбекова Ш.* “Савдо-сотиқ шартномаси”га оид атамаларнинг аббревиатура асосида ясалишининг ўзига хос хусусиятлари. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: ТДШУ, 2020. [Интернет манба]. URL: http://library.ziyonet.uz/ru/book/95293 (Мурожаат этилган сана: 28.03.2022)

19. *Khashimova, K., Kuziev, U.* Participation of languages of other systems in the formation of the uzbek literary language// Збірник наукових праць ЛОГОΣ, 2020. – Pp. 22–25.

20. *Lapasov N.* Interactive methods of teaching english abbrevations for the students of philological higher education: Master dissertation. – Tashkent: O‘zDJTU, 2016. – 76 b.

21. *Умарова Я.Т.* Ўқувчиларда прагматик компетенцияни ривожлантириш хусусида (морфологик бирлик ва шакллар таҳлилига ўргатиш асосида) // Илмий хабарнома. Серия: Педагогик тадқиқотлар, 2021. 2(54). – Б. 24–33.

22. *Борисова Е. Г*. Коллокации. Что это такое и как их изучать? – Москва: Филология, 1995. – 49 с.

23. *Борисова Е.Г*. Слово в тексте. Словарь коллокаций (устойчивых сочетаний) русского языка. – Москва: Филология, 1996. – 146 с.

24. Endangered languages: the full list. [Online]. URL: https://www.theguardian.com/news/datablog/2011 /apr/15/language-extinct-endangered (Date of access: 14.02.2022)

25. *Мельчук И.А.* Опыт теории лингвистических моделей “Смысл – Текст”. − Москва: Школа “Языки русской культуры”, 1999 . – 346 с.

26. *Регинина К В., Тюрина Г. П., Широкова Л.И.* Устойчивые сочетания русского языка. – Москва: Русский язык, 1983. – 30 0 с.

27. *Сағдуллаева Д.* “Қисаси Рабғузий” асаридаги арабий бирикмаларнинг синтактик таҳлили // The Light of Islam, 20 20 . Issue 1. – Б. 177–184. [Интернет манба]. URL: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020 /iss1/25 (Мурожаат этилган сана: 30.03.2022)

28. EnglishClub: Learn English: Vocabulary: Reference: Collocations. [Online]. URL: https://www.englishclub.com/vocabulary/collocations.htm (Date of access: 14.01.2022)

29. Фразеография в Машинном фонде русского языка / Отв. ред. В.Н. Телия. – Москва: Наука, 1990. – 20 7 с.

THE PROBLEMS OF CLASSIFICATION AND DESCRIPTION OF COMPLICATED STRUCTURAL COMPOUNDS IN THE UZBEK LANGUAGE

U.Ya. Kuziev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 80-86.

[1]Namangan State University, Namangan, 160100, str., Uychi, 316 Uzbekistan). E-mail: info@namdu.uz.

Keywords: Complex compound, phraseological units, phraseological combination, collocation, idiom, abbreviation, phraseological compound.

Complex compounds are one of the units in the Uzbek language that require classification and analysis. Complex compounds are made up of numerous elements that come together to form a semantically and syntactically coherent whole, yet there is a distinction between them. In recent years, as a result of globalization and integration processes, a number of units that affect the grammatical structure of the Uzbek language have been added to the lexical layer. The complicated structural compounds, their properties, current research, and problematic elements are all covered in depth in this article. Affixation is generally believed to be the most active language in Uzbek when it comes to word construction. However, in recent years, the compositional method appears to have taken precedence in the development of our language.

However, the compositional method appears to have been relatively active in the development of our language in recent years. Collocation is a phrase that is commonly used in foreign literature and research in foreign language education.

The formal style's peculiarity, its infrequent use in simple speech, the complexity and difficulty of its use, its active use in the terminological layer, its use to fully express the concept as a noun, and the grammatical pattern are not regulated in Uzbek linguistics, and their syntactic or lexical features are not fully studied in Uzbek linguistics. This fact makes sociolinguistic, pragmatic, and methodological learning possible.

The colloquial intricacy, which is not subject to speech regulations, has resulted in their abbreviation in both Russian and Uzbek.

Abbreviations, on the other hand, necessitate that the discussion participant reflect that culture and place, as well as of the topic that the abbreviation symbolizes. They represent the final steps of the nominative process in this way.

In the construction of anthroponyms, toponyms, including the names of governmental organizations and posts, in the terminological layer, and in the assimilation of speech, these units' cultural and social effect can be seen.

In terms of linguoculturology, cognitology, and translation studies, the work also discusses the general contrasts between collocations and other complex units.

In terms of terminology, being alert and critical to incidents of direct cutting or slashing remains a requirement of the time. It is very important for terminologists to have a thorough understanding of the area and the Uzbek language's internal regulations.

References:

1. Campbell, M. (2018) Glossika Language Vitality Report 2018. [Online]. URL: https://d310pm6npapqqb.cloudfront.net/free-download/Glossika%20Language%20Vitality%20Report%202018.pdf (Date of access: 14.02.2022)
2. English, T. (2019) What Happens When a Language Dies and is Forgotten? // Interesting Engineering, 30.09.2019. [Online]. URL: https://interestingengineering.com/what-happens-when-a-language-dies-and-is-forgotten (Date of access: 01.02.2022)
3. UNESCO ma'lumotlar bazasi [*UNESCO datablog*. Used source]. [Online]. URL: https://www.theguardian.com/news/datablog/2011/apr/15/language-extinct-endangered (Date of access: 10.03.2022)
4. Nurmonov, A. (2012) Tanlangan asarlar [Selected works]. In 3 volumes. Vol. 1. Tashkent: Akademnashr.
5. Кузиев, У.Я. (2017) About sociolects and their place in glossaries (in example Uzbek language and dictionaries). *Nauchnye issledovaniya: teoriya, metodika i praktika*. Pp. 281-286.
6. Hojiev, A. (1963) *O‘zbek tilida qo‘shma, juft va takroriy so‘zlar* [Compound, even and repetitive words in Uzbek language]. Tashkent: O‘qituvchi.
7. Shoabdurahmonov, Sh.A. (et.al) (1980). *Hozirgi o‘zbek adabiy tili* [Modern Uzbek literary language]. Vol. 1. Textbook. Tashkent: O‘qituvchi.
8. Mamatov, N. (1982) *O‘zbek tilida qo‘shma so‘zlar* [Compound words in Uzbek Language]. Tashkent: Fan.
9. Isomiddinov, Z. (2021) Qo‘shma so‘zlarni qo‘shmaymizmi? [Why do not add Compound words?]. *Hurriyat.* January 6. [Online]. URL: https://uzhurriyat.uz/2021/01/06/qushma-suzlarni-qushmaymizmi/ (Date of access: 10.02.2022)
10. Назаров, П.Ж. (2019) O‘zbek tiliga o‘zlashgan so‘zlar xususida [About words learned in Uzbek language]. *Xorijiy filologiya.* No 4. Pp. 54-58.
11. Xojaqulov, Yu. (2020) Dariy matbuotida abbreviatura [Abbreviation in Dari press]. In: O‘zbek sharqshunosligi: buguni va ertasi [Uzbek Oriental Studies: Today and Tomorrow]. Scientific collection, 11. Tashkent. Pp. 50-53.
12. Umirov, I.E. (1996) *O‘zbek tili parafrazalari* [Uzbek language paraphrases]. Abstract of the Dissertation for the degree Candidate of Philological Sciences. Tashkent.
13. Wikipedia. The Free Encyclopedia: [Online]. URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Longest_word_ in_ English (Date of access: 14.01.2022)
14. Wikipedia. The Free Encyclopedia: [Online]. URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/коллокация_ (лингвистика) (Date of access: 14.01.2022)
15. Kadirbekova, D. (2017) Inglizcha-o’zbekcha axborot-kommunikatsiya texnologiyalariterminologiyasi va uning leksikografik xususiyatlari [English-Uzbek terminology of information and communication technologies and its lexicographic features]. Abstract of Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philological Sciences. Tashkent.
16. Ahmedov, O. (2020) Ingliz va o‘zbek tillaridagi soliq-bojxona terminlarining sinxron tadqiqi [Simultaneous study of tax and customs terms in English and Uzbek]. *Ilmiy-metodik elektron jurnal*. 5(13). Pp. 60-64. [Online]. URL: http://www.journal.fledu.uz (Date of access: 12.12.2021)
17. Kazakbaev, A. (2020) Fan-texnika taraqqiyoti tufayli arab tiliga kirib kelgan eng yangi atamalar [The newest terms that have entered the Arabic language due to the advancement of science and technology]. Proceedings of Ingenious Global Thoughts An International Multidisciplinary Scientific Conference. San Jose, California, November 29th, 2020: [Online]. URL: https://conferencepublication.com (Date of access: 30.03.2022)
18. Umarbekova, Sh. (2018) “Savdo-sotiq shartnomasi”ga oid atamalarning abbreviatura asosida yasalishining o‘ziga xos xususiyatlari [Peculiarities of abbreviating the terms of the “Trade Agreement”]. Master's dissertation. [Online]. URL: http://library.ziyonet.uz/ru/book/95293 (Date of access: 28.03.2022)
19. Khashimova, K., Kuziev, U. (2020) Participation of languages of other systems in the formation of the uzbek literary language. *Збірник наукових праць ЛОГОΣ*. Pp. 22-25.
20. Lapasov, N. (2016) Interactive methods of teaching english abbrevations for the students of philological higher education: Master dissertation. Tashkent: O‘zDJTU.
21. Umarova, Y.T. (2021) O‘quvchilarda pragmatik kompetensiyani rivojlantirish xususida (morfologik birlik va shakllar tahliliga o‘rgatish asosida) [On the development of pragmatic competence of pupils (based on teaching analysis of morphological units and forms)]. *Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar*. 2(54). Pp. 24-33.
22. Borisova, Ye.G. (1995) Kollokacii. Chto eto takoe i kak ih izuchat'? [Collocations. What is that and how to study it?]. Moscow: Filologiya.
23. Borisova, Ye.G. (1996) Slovo v tekste. Slovar' kollokacij (ustojchivyh sochetanij) russkogo yazyka [Word in the text. Dictionary of collocations]. Moscow: Filologiya.
24. Endangered languages: the full list. [Online]. URL: https://www.theguardian.com/news/datablog/2011/apr/15/language-extinct-endangered (Date of access: 14.02.2022)
25. Mel'chuk, I.A. (1974) Opyt teorii lingvisticheskih modelej “Smysl – Tekst” [Experience of the theory of linguistic models ‘Meaning – Text’]. Moscow: Shkola “Yazyki russkoj kul'tury”.

26. Reginina, K.V. (et.al) (1983) Ustojchivye sochetaniya russkogo yazyka [Stable combinations of the Russian language]. Moscow: Russkij yazyk.

27. Sagdullaeva, D. (2020) “Qisasi Rabg’uziy” asaridagi arabiy birikmalarning sintaktik tahlili [Analysis of arabic collocation in the work of ‘Kysasi Rabghuzi’]. *The Light of Islam*. Issue 1. Pp. 177-184. [Online]. URL: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss1/25 (Date of access: 30.03.2022)

28. EnglishClub: Learn English: Vocabulary: Reference: Collocations. [Online]. URL: https://www.englishclub.com/vocabulary/collocations.htm (Date of access: 14.01.2022)

29. Telia, V.N. (ed.) (1990) *Frazeografiya v Mashinnom fonde russkogo yazyka* [Phraseography of the machine fund of the Russian language]. Moscow: Nauka.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ҚЎЗИЕВ Умиджон Яндашалиевич – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Наманган давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти. E-mail: fellow-257@mail.ru